

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУЗАФАРОВА ФЕРУЗА БАХРИДИНОВНА

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ФАОЛИЯТЛИ ЁНДАШУВГА
АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК СТРАТЕГИЯЛАРИДАН
Фойдаланиш тизими

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Музафарова Феруза Бахридиновна Таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланиш тизими	5
Музафарова Феруза Бахридиновна Система использования стратегии сотрудничества, основанной на деятельностном подходе в процессе образования	25
Muzafarova Feruza Baxridinovna The system of using cooperative strategiyes which based activities while educating process	49
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	53

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУЗАФАРОВА ФЕРУЗА БАХРИДИНОВНА

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ФАОЛИЯТЛИ ЁНДАШУВГА
АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК СТРАТЕГИЯЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Ped556 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маъмуров Баҳодир Бахшуллаевич
педагогика фанлари доктори (DSc), профессор

Расмий оппонентлар:

Махмудов Мэлс Хасанович
педагогика фанлари доктори, профессор

Сохибов Акрам Рустамович
педагогика фанлари номзоди, доцент


Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «31» август соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-29-14, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «16» август кuni тарқатилди.
(2021 йил «16» август даги 5- рақамли реестр баённомаси).


С.К. Қахҳоров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор
М.Ф. Атоева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, п.ф.ф.д. (PhD), доцент
Ҳ.О. Жўраев
Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д. (DSc), доцент

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсидаги таълим тизимида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланиш, таълим оловчиларда ҳамкорлик шартларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ЮНЕСКО тарафидан қабул қилинган 2030 йилгача халқаро таълим концепциясида таълимнинг мустақам пойдеворига эга бўлиш, эркин ва мустақил фикрлашни ривожлантириш, ҳамкорлик қобилиятлари ва қизиқишларини кучайтириш¹ долзарб вазифа сифатида белгиланган. Етакчи давлатларда фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланиш орқали таълим оловчиларнинг фанларга оид қизиқишини ошириш, ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда фаолиятли ёндашув асосида педагогик ҳамкорлик субъектлари орасида вужудга келадиган зиддиятларни ўзаро келишув, ҳамкорликка киришиш, чекиниш ҳамда мослашиш каби стратегияларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш методикаларини лойиҳалаштиришга доир қатор изланишлар амалга оширилмоқда. Бунда педагогларнинг инновацион фаолияти орқали таълим оловчиларнинг ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга алоҳида эътибор берилиб, ўқувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мақсадга йўналтирилган таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда баркамол шахсни шакллантириш масалаларига катта эътибор қаратилиб, ёшлар ва уларнинг тарбияси масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, таълим тизимининг интеграциялашган мазмунига замонавий ёндашувларни сингдириш, таълим оловчиларда ҳамкорликка киришиш кўникмаларини ривожлантириш, таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланишнинг педагогик-психологик жиҳатлари ва методик имкониятларини такомиллаштиришни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 25 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сонли Фармони, 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ

¹ Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). – P.6.

таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада фаолиятли ёндашув ва педагогик ҳамкорлик билан боғлиқ бўлган масалалар Б.Р.Адизов, О.Жамолдинова, Б.Зиёмухамедов, Г.Ибрагимова, Р.Ишмухамедов, Б.Б.Маъмуров, У.И.Маҳкамов, М.Ҳ.Маҳмудов, О.Мусурмонова, Р.Г.Сафарова, Д.Шарипова, Ш.Шарипов, Н.М.Эгамбердиева, З.А.Холматова, Б.Б.Садуллаев² кабиларнинг ишларида ўз ифодасини топди.

Педагогик нуқтаи назардан ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишнинг алоҳида жиҳатлари бўйича Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимларидан Ш.А.Амонашвили, М.В.Богуславский, В.Г.Буданов, В.Г.Виненко, В.А.Игнатова, Г.Г.Малинецкий, В.В.Маткин, Л.И.Новикова, Е.Г.Пугачева, Н.М.Таланчук, Д.И.Трубецков, В.Ф.Шаталов, Ю.В.Шаронин ва бошқа бир қатор мутахассислар томонидан кенг кўламда ўрганилган.

Ҳамкорлик педагогикасига оид бир қатор изланишлар олиб борилган бўлиб, L.Botcheva, J.Shih, L.C.Huffman, L.D.Breeman, van Lier, Theo Wubbels,

² Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари: Пед.фан.док... дисс. – Бухоро, 2003. – 276 б.; Жамолдинова О. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш: ... Пед. фан. док. автореф. – Т., 2015. – 77 б.; Зиёмухамедов Б. Педагогик маҳорат асослари. – Т.: Тиб-китоб, 2009. – 184 б.; Ибрагимова Г. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш: п.ф.ф.д. (PhD) ...дис.автореф. – Т.: 2017. – 40 б.; Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновациялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.; Маъмуров Б.Б. Ўқувчи шахсига йўналтирилган ўқув-билув жараёнини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари: пед.фан.ном.дис. ... – Т., 2009. – 126 б. Маҳкамов У.И. Юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед.ф.д. ...дис. – Т.: 1998. – 286 б.; Маҳмудов М.Ҳ. Таълимни дидактик лойиҳалашнинг назарий асослари: пед. фан. доктори... дисс. – Т.: 2003.–342-б.; Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед.ф.д. ...дис. – Т.: 1993. – 364 б.; Сафарова Р., Юсупова Ф., Сулаймонова Г., Қосимова Д., Дилова Н., Садуллаев Б. Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси//Монография. Т.: Fan va texnologiya, 2014. – 154 б.; Шарипова Д. Научные основы гигиенического воспитания обучающихся: Автореф. ... дисс. док. наук. – Т., 1990. – 47 с.; Шарипов Ш. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ... дис. автореф. –Т., 2012. – 46 б.; Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида): пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2010. – 332 б.; Холматова З.А. Бошланғич синфларда диалог муҳитини яратиш // Ўқув методик қўлланма. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2016. – 224 бет. ; Садуллаев Б.Б. Ўйинлар воситасида ўқувчиларда дўстона муносабатларга асосланган ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш тизими. Пед.ф.ф.д. дисс. – Т., 2019. – 114 б.

R.Sears, J.L.Spilt, E.Vervoort, A.Koenen, F.Clemente, A.Amutio, L.Gonzalez, И.Стенгерс, Г.Хакен каби хорижлик олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Мазкур ишларда таркиблашмаган ва муайян тартибга солинмаган муносабатларнинг мавжуд эмаслиги таъкидланади.

Таълим жараёнида педагогик ҳамкорликдаги ўқув вазиятларини тадқиқ этиш юзасидан турли соҳа олимлари томонидан илмий изланишлар амалга оширилган бўлиб, бироқ педагогика фанида бу борада ўзининг мантиқий ечимини топмаган муаммолар мавжуд. Жумладан, ҳамкорликдаги педагогик жараёнда муаммоли вазиятларни ҳал этишнинг дидактик шарт-шароитлари ишлаб чиқилмаган, “Таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланиш тизими” махсус диссертация тадқиқоти амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар» (2017–2021 йй.) режасининг 2.5- банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланиш тизимини аниқлаш ва амалиётга татбиқ этишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланиш ижтимоий педагогик зарурият эканлигини асослаш;

таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланишнинг психологик йўналишлари, дидактик хусусиятларини аниқлаш;

фаолиятли ёндашувга асосланган таълим жараёнида қўлланиладиган ҳамкорлик стратегияларининг методик имкониятларини белгилаш;

таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланишга йўналтирилган педагогик тизимнинг самарадорлигини аниқлаш ҳамда замонавий ёндашувлар асосида илмий методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланиш жараёни танлаб олиниб, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги (жами 8 та) умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчилари ҳамда Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларининг тингловчилари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланиш жараёнининг мазмуни, принциплари, шакллари, воситалари, усуллари ва методлари.

Тадқиқотнинг усуллари: тадқиқотда мавзуга оид илмий манбалар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил

қилиш, педагогик кузатув, ижтимоий сўров, ўқувчилар фаолиятининг қиёсий таҳлили, педагогик прогностика ва ташхислаш, синтез, эксперт баҳолаш, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланишнинг педагогик-психологик жиҳатлари ўқувчиларнинг гендер ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳамкорликка киришиш суръати, даражаси, йўналганлигини аниқлаштириш асосида ўқитувчиларда ҳамкорликдаги таълим жараёнини ташкил этиш кўникмалари такомиллаштирилган;

фаолиятли ёндашув асосида педагогик ҳамкорлик субъектлари орасида вужудга келадиган зиддиятларни ўзаро келишув, ҳамкорликка киришиш, чекиниш ёки четга чиқиш ҳамда мослашиш ёки ён бериш каби стратегияларнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ хал этиш йўллари аниқлаштирилган;

фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланиш даражасини баҳолаш мезонлари таълим субъектларининг шахсий сифатлари (мустақил фикрлаш, муаммоларга табиий ечимлар излаш, бир-бирларининг фикрларини қўллаб-қувватлаш, муваффақиятга ҳисса қўшишга интилиш, ғалабадан фахрланиш)ни индивидуал ривожланиш траекторияси билан интеграциясини таъминлаш асосида ўқитувчиларда ҳамкорликдаги таълим жараёнини ташкил этиш кўникмалари такомиллаштирилган;

таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланишнинг дидактик шарт-шароитлари (дидактик хусусиятлари, амалга ошириш босқичлари, технологиялари)ни аниқлаш асосида ўқувчиларнинг ҳамкорликка кириша олиш ва ўқув ҳамкорлиги фаолиятини ташкил этиш кўникмаларини ривожлантиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳамкорлик стратегияларининг ўзаро келишув, ҳамкорликка киришиш, чекиниш ёки четга чиқиш ҳамда мослашиш ёки ён бериш каби турлари педагогик ҳамкорлик субъектлари орасида вужудга келадиган зиддиятларни хал этиш ечими сифатида асосланган;

таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланишнинг психологик йўналишлари, дидактик хусусиятлари аниқланган;

таълим жараёнида ҳамкорлик стратегиясини қўллашнинг тенгшериклик модели ва ҳаракатларни натижага йўналтириш модели фаолиятли ёндашув имкониятлари асосида кенгайтирилган;

таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланишга йўналтирилган педагогик тизимнинг самарадорлиги аниқланган ҳамда замонавий ёндашувлар асосида илмий методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланиш тизимини аниқлашга йўналтирилган илмий-педагогик қарашлар, назарий ёндашувларга эга бўлганлиги, шунингдек, таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланиш тизимини аниқлашга йўналтирилган педагогик жараённинг дидактик, психологик хусусиятлари, мазмуни, воситалари, усуллари ва методлари билан бойитилганлиги ҳамда ишлаб чиқилган таклифлардан фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ушбу назарий ёндашувлар ва методика олий ўқув юртларининг бошланғич таълим факультетлари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ҳамда мактаб ўқитувчилари иш тажрибасини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланиш тизимини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари, дидактик хусусиятлари, амалга ошириш босқичлари, технологияларини аниқлаш орқали ўқувчиларнинг ҳамкорликка кириша олиш ва фаолиятини ташкил этиш кўникмаларини ривожлантиришга оид таклифларидан Ф1-ХТ-1-55237-рақамли “Педагогик атамалар мазмунини модернизациялаш ва унификациялаш параметрлари” мавзусидаги (2012-2016 йиллар) фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 августдаги 01/15-09/125-сон маълумотномаси). Мазкур лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган илмий ишланмалар “Педагогика” энциклопедиясини тайёрлаш, таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланишнинг илмий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланишнинг педагогик-психологик жиҳатлари ўқувчиларнинг гендер ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳамкорликка киришиш суръати, даражаси, йўналганлигини аниқлаштириш асосида ўқитувчиларда ҳамкорликдаги таълим жараёнини ташкил этиш кўникмаларини ривожлантиришга оид таклифларидан Ф1-ХТ-1-31247-рақамли “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” мавзусидаги (2012-2016 йиллар) фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган

(Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 августдаги 01/15-09/125-сон маълумотномаси). Натижада, фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланиш даражасини баҳолаш мезонлари таълим субъектларининг шахсий сифатлари (мустақил фикрлаш, муаммоларга табиий ечимлар излаш, бир-бирларининг фикрларини қўллаб-қувватлаш, муваффақиятга ҳисса қўшишга интилиш, натижадан фахрланиш)ни индивидуал ривожланиш траекторияси билан интеграциясини таъминлаш асосида ишлаб чиқилган;

фаолиятли ёндашув асосида педагогик ҳамкорлик субъектлари орасида вужудга келадиган зиддиятларни ўзаро келишув, ҳамкорликка киришиш, чекиниш ёки четга чиқиш ҳамда мослашиш ёки ён бериш каби стратегияларнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ ҳал этиш йўллари билан боғлиқ хулосалардан 5112000-Жисмоний маданият таълим йўналишида “Гимнастика и методика преподавания” номли ўқув қўлланманинг назарий ва амалий масалаларини бойитишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-сон буйруғи, 110-109 рақамли гувоҳнома). Натижада ўқув қўлланма ўқитишнинг сифати, самарадорлиги ва ўқув материалларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та (3 таси республика ва 3 таси хорижий журнал) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланишнинг назарий асослари”** деб номланиб, унда таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланиш ижтимоий зарурият сифатида асосланган. Педагогик ҳамкорлик стратегияларининг дидактик хусусиятлари ва уларнинг таснифи ҳақида фикр баён этилган.

Фаолиятли ёндашув инсоннинг ташқи оламга фаол муносабати шакли, инсоннинг ўзини ўзи мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш усули, инсон борлигининг муҳим хусусиятларидан бири эканлигини ҳисобга олиб, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишни назарда тутати.

Фаолиятли ёндашув умумий тарзда мақсадга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, ўқувчи фаолиятини умумий контекст ва ҳаётий фаолият доирасида қизиқишларига йўналтириш, режа тузиш, кадриятли йўналишлар, таълим-тарбиянинг моҳиятини тушунишлари, уларнинг шахс сифатида шаклланишлари учун шахсий тажриба ва қизиқишларининг аҳамиятини англашлари назарда тутилади. Фаолиятли ёндашув ўзининг мавжуд йўналишларига кўра ўқувчиларнинг субъект сифатида шаклланишларида таълим жараёнининг ҳар иккала таркибий қисми – ўқитиш ва тарбиялашни камраб олади.

Педагогик стратегия – таълим-тарбия ва педагогика фанида аниқ белгиланган мақсадга эришишга йўналтирилган асосий ҳаракатларнинг узок муддатли дастури бўлиб, ҳаётнинг моҳияти, у ҳақидаги аниқ фикр, режаси тарзида вужудга келиб, шахснинг идеал ҳамда реал воқелик орасидаги зиддиятларни бартараф этиши натижасида ҳосил бўлади. У шахснинг ўзига хос фаолият усули сифатида намоён бўлади. Фаолиятли ёндашув асосида ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятларини ривожлантиришда ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланиш алоҳида педагогик аҳамиятга эга.

Ҳамкорлик стратегияси педагогик жиҳатдан ўқув жараёнини самарали бошқариш санъатини англатади. Педагогикада ўқитувчи ҳар доим ўз стратегиясининг муаллифи сифатида намоён бўлади. Шу билан бир қаторда бундай муаллифлик тасодифий кўринишга эга эмас. Бунда касбий маҳорат кўп даражада заруриятдан келиб чиққан ҳолда танлаш кўникмасига асосланади. Мазкур кўникмаларни намоён қилиш учун ўқитувчи жуда катта педагогик билим ва касбий компетенцияларга эга бўлиши лозим. Бунинг учун ўқитувчилар педагогикада мавжуд тажрибалар устида ижодий фикрлашлари, илғор педагогик қарашларни ўзлаштиришлари ва ўз фаолиятларига татбиқ эта олишлари, касбий фаолиятларини шахсга йўналтирилган вазиятларда ўқувчиларга кўмаклашишга қарата олишлари зарур.

Ҳамкорлик жараёнида муаммолар тарафларга зиён етказилмаган тарзда ечилади. Унинг асосини толерантлик ташкил этади. Зиддиятли вазиятларда ҳамкорлик қуйидаги кўринишларда намоён бўлади: ҳамкорликка киришувчи турли томонлар орасида вужудга келган зиддиятга тарафларнинг биргаликда ечим топишига интилиши; зиддиятга киришувчи тарафлар бир хил мавқега эга бўлиб, улар орасидаги ўзаро фарқларга эътибор қаратилмаслиги; ҳар бир тараф муаммони чуқур муҳокама қилиб, барча учун фойдали бўлган ечимни излаб топиши; зиддиятлашувчи тарафларнинг ягона ечимни топиш йўлида ҳамкорлик қилишлари, бир-бирларининг эҳтиёжларини ҳисобга олишлари; зиддиятни бартараф этиш учун имкониятларнинг етарли даражада бўлиши.

Шундагина ўқитувчи ўқувчиларни мақсадга мувофиқ ҳолда ҳамкорликка олиб кириш учун қулай стратегияни танлаш имкониятига эга

бўлади. Бунинг учун изчил тарзда амалга ошириладиган қуйидаги ҳаракатлар зарур ҳисобланади: ҳамкорлик жараёни субъектларининг қизиқишлари ва эҳтиёжларини аниқлаш; ҳамкорлик қилувчи шахсларнинг талабларини аниқлаш; ҳамкорлик қилувчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ечимларнинг янги вариантларини излаш; синфдаги ўқувчиларнинг ўзаро тенг шериклик асосида ҳамкорликка киришишларини таъминлаш.

Ҳамкорлик жараёнида ўқувчиларнинг бир-бирларига ён беришлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу келишув стратегиясининг асосини ташкил этади. Ҳамкорлик жараёнида бошқа барча стратегиялар келишув стратегияси билан алоқадорликда қўлланилади. Булар асосан ҳамкорлик жараёни иштирокчилари орасидаги ўзаро муносабатларнинг шаклланишига шароит яратади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, айтилган стратегияни ҳамкорлик билан боғлиқ барча вазиятларда бирдай қўллаш имконсиз. Ушбу стратегияларни қўллаш учун вазиятли ёндашувга таяниш талаб қилинади. Ҳар бир стратегия муайян вазият билан боғлиқ ҳолда яхши самара бериши мумкин.

Педагогикада ўқитувчи ўқувчилар ҳамда ўқувчилар билан ўқувчилар орасидаги ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ҳамкорлик вазиятларида шахслараро муносабатларнинг турли жиҳатлари намоён бўлади. Унинг асосини биргаликдаги фаолият назарияси ташкил этади. Бу ўринда ижтимоий руҳий омиллар муҳим ўрин эгаллайди. Бу ўринда муаллифлар биргаликдаги фаолият тажрибасига эътибор қаратадилар: гуруҳли фаолиятнинг намоён бўлиши ва унинг мақсади; мақсадга эришиш жараёнини режалаштириш ва унинг босқичларини аниқлаш; биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш ва келишув стратегияларини қўллаш; биргаликда ташкил этиладиган тадбирларни назорат қилиш ва тескари алоқани йўлга қўйиш кабилар.

Ҳамкорлик стратегияларини самарали қўллашда қуйидагилар муҳим аҳамият касб этади: юқори даражадаги очиқлик ва тартиблилик; биргаликдаги фаолиятни амалга оширишда табиийлик, самимиятнинг устиворлиги; барча учун фойдали бўлган натижага эришиш йўлида ҳаракат қилиш; келишувчанлик ва ҳаракатларнинг ўзаро мувофиқлиги кабилар.

Ўз ўрнида қўлланган усуллар ва стратегиялар ўқувчилар хулқ-атворидаги негатив кўринишларни бартараф қилиб, ҳамкорлик муносабатларини барқарорлаштиради. Шу мақсадда педагог томонидан турли-туман усуллар қўлланилади. Улар:

мунтазам тарзда ғалаба қозонишга интилиш;
вужудга келган муаммоларни музокара йўли билан ечиш ва ушбу жараёнда ён бериш стратегиясини қўллаш.

Педагоглар ҳамкорлик жараёнининг дастлабки босқичларидан бошлаб, ўқувчилар орасида вужудга келадиган ўзаро зиддиятнинг ривожланишига тўсқинлик қила олишлари керак.

Шу мақсадда педагоглар қуйидаги методларни қўллашлари мумкин:

- очиқ тарзда берилган саволларни рад этиш;
- дастлабки мулоқот муҳитини қўллаб-қувватлаш;

- у ёки бу шахснинг имкониятларини тушунишга йўналтирилган саволларга жавоб бермаслик;

- дастлабки пайтларда ҳамкорликка киришаётган томонлардан бирининг етакчилик мавқеини эгаллашига йўл қўймаслик.

Ҳамкорлик стратегиясини қўллашнинг 2 хил модели мавжуд: тенг шериклик модели ва ҳаракатларни натижага йўналтириш модели.

Тенг шериклик модели ўзаро келишув ва юқори даражадаги қувватларни намоён қилишга йўналтирилган модел ҳисобланади. Ушбу модел доирасида шахслараро муносабатларни ойдинлаштиришга эътибор қаратилади. Тенг шериклик моделининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: ҳамкорлик натижаларини баҳолаш; шерикчилик муносабатларининг типларини танлаш; жараёни такомиллаштиришга хизмат қиладиган элементларни ойдинлаштириш.

Ушбу модел доирасида шериклик муносабатларини танлаш ўзига хос характерга эга. Ҳамкорлик ўқув жараёнида қўйилган мақсадга эришишни назарда тутган ҳолда ташкил этилади. Ҳамкорлик жараёнининг самарадорлиги биргаликда кўзланган мақсадга эришганда намоён бўлади. Ўқувчи яқка тартибда ишлаганда кўзланган натижани тўлиқ қўлга кирита олмаслиги ҳам мумкин. Ҳамкорликдаги фаолият жараёнида эса ўқувчиларнинг ютуқлари бир-бирини тўлдиради. Агар ҳамкорлик жараёнининг иштирокчилари ўз мақсадларини ўзаро мувофиқлаштирмасалар, кўзланган натижага тўлиқ эриша олмайдилар.

Ҳаракатларни натижага йўналтириш модели якуний натижага эришишга қаратилганлиги билан ўзига хос аҳамият касб этади. Ушбу модел ҳамкорликка киришиш, режалаштириш, биргаликдаги ўқувчи фаолияти натижаларини башорат қилиш имконини беради. Унинг характерли жиҳати ҳамкорликдаги фаолиятнинг давомийлигини таъминлашидадир.

Ўзаро педагогик ҳамкорлик жараёнида вужудга келадиган зиддиятларни қуйидаги стратегиялар ёрдамида ечиш мумкин:


ўзаро келишув асосида. Бунда томонларнинг манфаатларини мувофиқлаштирган ҳолда ўзаро муносабатларни ижобий жиҳатдан ривожлантириш, бир-бирига ён бериш асосида келишишга эришилади;

ўзаро ҳамкорликка киришиш асосида. Бунда шериги ҳамда ўзининг шахсий манфаатларини ҳисобга олиш назарда тутилади;

чекиниш ёки четга чиқиш асосида. Бунда ўзи ва шеригининг манфаатларига кам даражада эътибор қаратиш ҳаракатлари амалга оширилади;

мослашиш ёки ён бериш асосида. Бунда ўз қизиқишларини четга суриш асосида шеригининг нуқтаи назарини тўлиқ қабул қилишга қаратилган фаолият амалга оширилади.

Қуйида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорликдаги педагогик жараён модели тақдим этилган. (1-расмга қаранг).



1-расм. Фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорликдаги педагогик жараённинг такомиллаштирилган модели

Диссертациянинг иккинчи боби “Таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари” деб номланиб, унда таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланишнинг педагогик имкониятлари, психологик йўналишлари, методик аҳамияти очиб берилган.

Ақлий ҳамда жисмоний машқларни танлашда ҳамкорлик принципига таяниш кутилган самарадорликка эришиш имконини беради. Чунки

ҳамкорликдаги фаолият технологияси ёрдамида таълим жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади: ўқувчиларга ўз ақлий ва жисмоний имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришлари учун кўмаклашиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини намоён қилишларига шароит яратиш; ўқувчиларда ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириш, ўзаро мулоқотга киришишлари учун зарур бўлган шахсий сифатларни шакллантириш; ҳамкорликдаги фаолият жараёнида ҳар бир ўқувчининг қалбан ҳамда ҳиссий жиҳатдан осойишталигини таъминлаш.

Ўқитувчилар машғулотда ҳамкорлик стратегияларини муваффақиятли қўллашлари учун бир қатор вазифаларни амалга оширишлари керак. Мазкур вазифалар натижасида қуйидагиларга эришилади: ўқувчилар билан тўлақонли ҳамкорликка киришиш имконини берадиган дидактик воситалар танланади; ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини аниқлаш имконини берадиган топшириқлар ишлаб чиқилади; ҳамкорликдаги педагогик жараённинг лойиҳалари яратилади; ўқитувчилар ва ота-оналарнинг дарс ва дарсдан ташқари вазиятларда ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланишлари учун қулай имконият яратилади.

Ҳамкорликдаги педагогик жараён сифати ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни ташкил этиш мумкин: ўқувчиларнинг жисмоний ва ижодий қувватларини ривожлантириш, уларни ҳамкорликдаги фаолиятга жалб этиш ва лойиҳачилик фаолиятига йўналтириш; ўқувчиларнинг турли мусобақалар ва ҳамкорликда фаолият кўрсатишни талаб қиладиган тадбирларда иштирок этишларини таъминлаш, уларнинг ижобий жиҳатдан барқарор ривожланишларига эришиш йўлларини излаш кабилар.

Ҳамкорликдаги педагогик жараён сифати ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида қуйидагилар амалга оширилади:

ўқувчиларда гуруҳли фаолият кўрсатиш, ҳамкорликка киришишга мойиллик белгиларини аниқлаш мақсадида педагогик ташхислашни амалга ошириш;

ташхислаш методикаси ёрдамида ҳамкорликдаги педагогик жараён иштирокчиларининг ҳар бирига хос бўлган хусусиятлар ва улардаги лаёқат нишоналари ҳақида маълумотларни тўплаш;

ўқувчилардаги лаёқат нишоналарини аниқлаш ва ҳамкорликдаги педагогик жараёнда уни қўллаб-қувватлаш стратегияларини қўллаш;

ўқувчиларни комплекс ривожлантириш мақсадида уларнинг ота-оналари билан ҳамкорликни ривожлантириш ва бу жараёнда мос келадиган стратегияларни қўллаш;

ўқувчилардаги лаёқат нишоналарини аниқлаш ва уни ҳамкорликдаги педагогик жараёнда қўллаб-қувватлаш стратегиясига эга бўлган ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириш мазмунини аниқлаш;

педагогик ҳамкорлик жараёнида кенг қўллаш мақсадида стратегияларни умумлаштириш ва тизимлаштириш.

Фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорликдаги таълим жараёнининг психологик хусусияти тизимини тақдим этамиз. (2-расмга қаранг).



2-расм. Фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорликдаги таълим жараёнида психологик ёндашув тизими

Ўқитувчиларнинг ўз фаолиятлари субъекти сифатида узлуксиз ривожланишларини таъминлаш қуйидаги шарт-шароитларга бевосита боғлиқдир: педагогик ҳамкорликка асосланган таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ҳамда ўқитувчиларни уни самарали амалга оширишга тайёрлаш; педагогик ҳамкорликка асосланган таълим мазмуни ва ўқитувчиларни уни амалга оширишда методик жиҳатдан тайёрлаш тизимини жорий этиш; ўқитувчиларни ҳамкорликка асосланган педагогик жараённи ташкил этишга тайёрлашга хизмат қиладиган методик топшириқлар билан қуроллантириш; ўқитувчиларнинг ҳамкорликдаги таълим жараёнини амалга ошириш соҳасидаги компетенцияларини ривожлантириш.

Ўқув-тарбия жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар орасида турли-туман муносабатлар ўрнатилади. Улар: ўқувчиларга нисбатан барқарор ижобий муносабат ва ўзаро ҳамкорлик қилиш иштиёқи; ўқувчиларга нисбатан суст ижобий муносабат ва уларга кўпроқ мустақиллик бериш майли; ўқувчиларга нисбатан расмий совуқ муносабатда бўлиш ва уларнинг ҳаракатларига эътибор қаратмаслик кабилар.

Ўқувчилар билан ўзаро муносабат жараёнида ўқитувчининг эгаллайдиган мавқеи улар билан амалга ошириладиган ҳамкорликнинг услубини белгилайди. Ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги ҳамкорликда педагог эгаллайдиган қуйидаги мавқелар ҳам муҳим ўрин тутди: интизомга

қатъий тарзда риоя қилиш мавқеини эгаллайдиган ўқитувчилар; тартиб ўрнатишни сабр-тоқат билан кута олиш мавқеига эга бўлган ўқитувчилар; ўзгалар меҳнатини кадрламайдиган, пассив ўқувчилар билан бирлашиш мавқеини тутган ўқитувчилар; ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш мавқеига эга бўлган ўқитувчилар.


Педагогик ҳамкорлик турли шаклларда намоён бўлади: “биргаликдаги ўқув фаолияти”, “гуруҳли иш”, “биргаликда тақсимланган фаолият”, “жамоавий тақсимланган фаолият” кабилар. Булар орасида “ўқув ҳамкорлиги” ёки “ҳамкорликда ўқитиш” атамаси кўпроқ аниқликка эга. Бу атама ўқувчилар гуруҳи орасидаги кўп томонлама ўзаро муносабатларни ифодалайди. Бу тизимда ўқув ҳамкорлиги ёки биргаликда тақсимланган фаолият тушунчаси катта аҳамиятга эга. Педагогик ҳамкорликнинг кенг тарқалган ҳамда кўпчилик томонидан тан олинган қуйидаги таркибий босқичлари мавжуд: ўқитувчининг ўқувчилар билан кутилаётган ҳамкорликдаги фаолиятни моделлаштириш босқичи; ўқитувчининг ўқувчилар билан бевосита ҳамкорликни ташкил этиш босқичи; педагогик жараёнда ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини бошқариш босқичи; амалга оширилаётган фаолият жараёнида ҳамкорликни таҳлил қилиш босқичи.

Ҳамкорлик биринчи навбатда ўқитувчи билан ўқувчилар ҳамда ўқувчилар билан ўқувчилар орасида ҳосил бўладиган ўзаро ижобий муносабатдир. У тўрт йўналишда ташкил этилади. Жумладан: 1) ўз шеригини ҳамкорликка ундаш учун йўналтирилади; 2) ўқувчиларнинг ҳаракат вазиятларини аниқлаш мақсадида уларнинг руҳий ҳолати аниқланади; 3) ўз шеригига маълумотлар етказилади ҳамда ундан ахборотлар қабул қилиб олинади; 4) шериги билан алоқалар мустаҳкамланади ва ривожлантирилади.

Ўйин стратегиялари ёрдамида ўқувчилар ҳаёт учун зарур бўлган ижтимоий тажрибани ўзлаштирадидилар. Мазкур жараёнда улар бир-бирларининг ҳаракатларини такомиллаштиришга кўмаклашадилар. Чунки ўйинларда таълим элементлари билан бир қаторда кундалик ижтимоий турмушга хос бўлган ҳаракатлар ҳам ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам ўйинлар ўқувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Натижада улар ижтимоий турмушда учрайдиган кундалик фаолият тажрибасини осонгина ўзлаштирадидилар. Ўйин стратегиялари учта муҳим белгига эга: ҳамкорликда ишлаш муҳитини вужудга келтириш, бунда фаолиятнинг ижодий, ривожланган шаклига ўтиш таъминланади; рақобатлашиш, келишувчанлик, мослашиш кўникмаларини шакллантириш, бунда ўқувчилар орасида ишчан муносабатлар вужудга келади; мантиқий фикрлаш, босқичма-босқич ривожлантиришни таъминлаш, бунда ўқувчиларнинг интеллектуал, ижодий такомиллашувлари таъминланади.


Ҳамкорлик стратегияларини қўллашга йўналтирилган педагогик жараён олдида қуйидаги вазифалар қўйилади: педагогик жараён мақсадини аниқ белгилаш ва эришиладиган натижани башорат қила олиш; ҳамкорлик жараёни иштирокчиларининг ақлий қувватларини қўйилган мақсад сари сафарбар қила олиш; ҳамкорлик вазиятларини мақсадга мувофиқ тарзда лойиҳалаш; ўқувчилар гуруҳи ва ундаги ҳар бир ўқувчи бажарадиган

вазифаларни аниқ тақсимлаш; ўқувчилар жамоаси аъзоларининг фаолликларини оширишга хизмат қиладиган ўқув топшириқларини танлаш имконини беради. Қуйида ҳамкорликдаги таълим жараёнида қўлланилган ўқув машқлари, ўйинлар ва ўқув технологиялари тизими тақдим этилган (3-расмга қаранг).



3-расм. Ҳамкорликдаги таълим жараёнида қўлланиладиган ўқув машқлари, ўйинлар ва ўқув технологиялари

Фаолиятли ёндашувга асосланган таълим жараёнида ҳамкорликда ўқитишнинг шакл, восита, усуллари ҳамда ҳамкорлик стратегияларини яхлит бир тизимга солиб, уни ҳамкорликдаги педагогик жараёнда қўлладик. (4-расмга қаранг).



4-расм. Таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегиялардан фойдаланиш тизими

Диссертациянинг учинчи боби “Таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланиш тизимининг самарадорлик даражаси” деб номланиб, унда таълим жараёнида ҳамкорлик стратегияларини қўллашга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси, таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланишга йўналтирилган педагогик тизимнинг самарадорлигининг статистик таҳлили берилган. Биз тажриба-синов ишлари давомида ўқитувчининг бошланғич

синфларда педагогик ҳамкорлик стратегияларини қўллаш соҳасидаги касбий маҳоратини аниқлашга ҳаракат қилдик. Тажриба-синов ишларида Бухоро вилояти Бухоро туманидаги 11, 12, 13- умумий ўрта таълим мактаблари; Бухоро шаҳридаги 11- умумий ўрта таълим мактаби ва 39-ИДУМ; Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 4, 26; Қўшқўприк туманидаги 26 умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчилари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази, Бухоро вилоят Халқ таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази, Хоразм вилоят Халқ таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази тингловчилари иштирок этганлар.

Қуйида кўрсатилган мезонлар асосида тажрибадан олдин ва кейинги ҳолатларни назорат ҳамда тажриба гуруҳларида аниқлашга муваффақ бўлдик. Қуйида олинган натижаларнинг статистик таҳлили баён қилинган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Ўқитувчининг педагогик ҳамкорлик стратегияларини қўллаш соҳасидаги касбий маҳоратини аниқлаш самарадорлигини билиш кўрсаткичлари (тажриба гуруҳи-269 нафар, назорат гуруҳи-274 нафар респондент)

т/р	Мезонлар	Гуруҳлар	Ўзлаштириш даражалари (%)					
			юқори		ўрта		Паст	
			т\б	т\я	т\б	т\я	т\б	т\я
1.	Ҳамкорлик стратегиялари ҳақидаги билимларга эгаликлари	тажриба	22	44	27	29	51	27
		назорат	26	25	28	24	46	51
2.	Ҳамкорлик стратегияларининг турларини билишлари	тажриба	24	43	26	27	50	30
		назорат	25	26	27	25	48	49
3.	Ҳамкорлик стратегияларни қўллаш билан боғлиқ вазиятларни таҳлил қила олишлари	тажриба	23	40	30	28	47	32
		назорат	27	28	25	21	48	51
4.	Педагогик вазиятнинг характеридан келиб чиққан ҳолда муайян стратегияни танлаш ва қўллаш компетенциясига эга бўлишлари	тажриба	26	45	31	29	43	26
